

YANG O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

CONFERENCES.UZ


2023

DAVRIYLIGI:
2018-2023

DUNYODA BIRINCHI KASHF
ETILGAN LOKOMOTIV POYEZD



George Stephenson.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



IYUL
№54

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
23-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-23**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-23**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 54-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 июль 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 14 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Nurmatova Nodira Nazirovna AGROSANOATDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI AVTOMATLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH.....	7
2. Дўсматова Лола Хашимовна, Халиков Баходир Мейликович ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ СОЯ НАВЛАРИ ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.....	9



АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

АГРОСАНОАТДА ТЕХНОЛОГИК ЖАРAYONLARNI AVTOMATLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH

Nurmatova Nodira Nazirovna

Fargʻona shahridagi Oziq-ovqat texnologiyasi va muhandisligi xalqaro instituti Qoʻqon oziq-ovqat sanoati va xizmat koʻrsatish texnikumi oʻqituvchisi

Annotatsiya:

Mazkur maqolada agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirish yoʻllari va mazmuni aks ettirilgan.

Kalit soʻzlar: agrosanoat, xoʻjalik mahsulotlari, iqtisodiyot tarmogʻi, yer, oʻsimlik, chorva mollari, mehnat quroli

Абстрактный:

В данной статье отражены пути и содержание совершенствования автоматизации технологических процессов в агропромышленном комплексе.

Ключевые слова: агропромышленный комплекс, сельскохозяйственная продукция, сектор экономики, земля, растения, скот, орудия труда.

Abstract:

This article reflects the ways and content of improving the automation of technological processes in the agro-industrial complex.

Key words: agro-industrial complex, agricultural products, economic sector, land, plants, livestock, tools.

Agrosanoat bu qishloq xoʻjalik mahsulotlari etishtirish, uni saqlash, qayta ishlash va isteʼmolchilarga etkazib berish bilan shugʻullanuvchi iqtisodiyot tarmogʻi boʻlib, bu sohada ishlab chiqarish koʻp jihatdan yer bilan bogʻliq boʻladi. Yerga egalik qilish, tasarruf etish va undan foydalanish bilan bogʻliq boʻlgan munosabatlar agrar munosabatlar deyiladi.

Mamlakatimiz iqtisodiyotining muhim tarmoqlaridan biri boʻlgan qishloq xoʻjaligi aholisi oziq-ovqat mahsulotlariga, qayta ishlash sanoati tarmoqlarining xomashyoga boʻlgan talabini qondiradi. Oziq-ovqat mahsulotlarining 90% ga yaqini agrar tarmoqda tayyorlanadi. Shu bois, bu soha aholining salmoqli qismining bandligini taʼminlab kelmoqda. Zero, xalqimiz manfaatlarini ifoda etis, aholining farovon turmush tarzi kechirishini taʼminlash mamlakatimizda agrar sohada olib borilayotgan davlat siyosatining asosiy maqsadidir.

Oʻzbekiston Respublikasi qishloq xoʻjaligini rivojlantirishning 2020-2030-yillarga moʻljallangan strategiyasi mamlakatimiz qishloq xoʻjaligi va oziq-ovqat tarmogʻini istiqbolda barqaror rivojlantirish sohasini yangicha yondashuvlar asosida yuritishni talab qilmoqda. Shu bois agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirish zamon talabiga aylanmoqda.

Zamonaviy agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirishda hal qilinadigan masalalardan birinchisi bu- mutaxassislardan turli avtomatlashtirish asboblarining tuzilish va ishlash prinsiplarini, avtomatik sistemalarning turli koʻrinishlari va sinflarini yasash metodlarini bilishni talab etishdir.

Agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirishda hal qilinadigan masalalardan ikkinchisi bu- mutaxassislardan sohasidagi ishlar bilan birga aniq va bir qiymatli almashish mumkin boʻlgan umumiy texnik tilni egallashni talab qilishdir. Bu biror texnologik jarayonini avtomatlashtirishning mantiqiy hisoblangan va texnik jihatdan asoslangan sistemaning avtomatlashtirish sistemalarining montaj qilish sozlash va ishlatish masalalari bilan shugʻullanuvchi



mutaxassislar uchun birday tushunarli bo'ladigan tilda ifodalash kerak.

Agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirishda hal qilinadigan masalalardan biri agrosanoat majmui va qishloq xo'jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish. Bu maqsadni amalga oshirishda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O'zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida” 2020-yil 5-oktabrdagi PF-6079-son Farmoni hamda “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida” 2020-yil 28-apreldagi PQ-4699-son qarorlarining qabul qilangani alohida ahamiyatga molik. ga muvofiq, shuningdek, qishloq va suv xo'jaligida raqamli va geoaxborot texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini oshirish maqsadida

Agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirishda hal qilinadigan masalalardan biri agrosanoat majmui va qishloq xo'jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish orqali agrosanoatda “Aqlli qishloq xo'jaligi” texnologiyalarini joriy etishga erishish. Aqlli qishloq xo'jaligi” texnologiyalarini rivojlantirishning quyidagi uzoq muddatli asosiy yo'nalishlari “Aqlli qishloq xo'jaligi” texnologiyalarini rivojlantirish STRATEGIYASIDA belgilab berilgan.

Agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirishda hal qilinadigan masalalardan yana biri agrosanoatda “Aqlli dehqonchilik”ka erishish. Zero, “Aqlli dehqonchilik” raqamli texnologiyalari — avtomatlashtirilgan intellektual tizim bo'lib, ma'lumotlarni yig'ish, tahlil qilish, tuproq va yer resurslari maydonlarining holati bo'yicha ma'lumotlarni yangilash, qishloq xo'jaligi ekinlarini joylashtirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqish, qishloq xo'jaligi yerlarini taqsimlash, almashlab ekishni qo'llash, ekinlarni yetishtirish agrotexnologiyalari, qishloq xo'jaligi yerlarini avtomatlashtirilgan tarzda baholash, yer va suv resurslaridan foydalanish va adaptiv-landshaft dehqonchiligi tizimining faoliyati va samaradorligini nazorat qilish va monitoringini olib borishni o'z ichiga oladi. Xulosa qilib aytganda, agrosanoatda texnologik jarayonlarni avtomatlashtirishni takomillashtirish natijasida quyidagilarga erishiladi:

- qishloq xo'jaligi mahsulotlari eksportining hajmi oshadi;
- yer va suv resurslaridan foydalanish samaradorligi yaxshilanadi;
- xo'jalik yurituvchi subyektlarda qishloq xo'jaligi mahsulotlarining tannarxini pasaytirish uchun sharoitlar yaratiladi;
- xo'jalik yurituvchi subyektlar va iste'molchilarga agrobzorning shaffofligi ta'minlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston respublikasi agrosanoat majmui va qishloq xo'jaligida raqamlashtirish tizimini rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qarori. Lex.Uz.

2. Texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish sistemalarini loyihalash. BuxDU elektron kutubxonasi.



УДК:645.1/634.6

**ЭКИШ МУДДАТИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ СОЯ НАВЛАРИ ДОН
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ**

Дўсматова Лола Хашимовна,

таянч докторант

Халиков Баходир Мейликович,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Аннотация. Ушбу мақолада соянинг “Мадад” ва “Севинч” навларини дон ҳосилдорлигига турли экиш муддатлари ва меъёрларини таъсири бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили келтирилган бўлиб, унда Тошкент вилоятининг ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида соянинг “Мадад” навини 25-30.04 муддатида, “Севинч” навини 05-10.05 муддатида гектарига 60 кгдан экиб парвариш қилишда юқори дон ҳосили олиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Кириш. Ҳосилдорлик-профессионал деҳқончилик, ўсимликшунослик, деҳқончилик тизими ҳамда қўлланилган агротехник тадбирлар самарадорлигининг бош мезони ҳисобланади. Шунингдек, ҳосилдорлик бир бирлик майдондан олинadиган ҳосил бўлиб, у бир бирлик майдондаги ўсимликлар сони ва ҳар бир ўсимликнинг маҳсулдорлиги билан аниқланиб, ҳосилдорликни қандай даражада бўлиши ўсимлик тури, тупроқ унумдорлиги, агротехник тадбирларнинг ўтказиш вақти ва сифати ҳамда тупроқ-иқлим шароитига боғлиқдир.

Ҳосилдорлик бир неча турларга бўлиниб, унга генетик, биологик, дастурланган, режалаштирилган, башорат қилинган, потенциал ва ишлаб чиқариш бўйича ҳосилдорликлар киради.

Биологик ҳосилдорлик-бу бир гектар майдонда етиштирилган маҳсулдорлик миқдоридир. Сояни биологик ҳосилдорлигини аниқлашда шохлар сони, дуккаклар сони, бир туп ўсимликдаги дон сони ва массаси ҳамда амал даври охиридаги кўчат қалинлиги ҳисобга олинади.

Бошқа ўсимликлар қаторида сояда ҳосил миқдорида учта асосий омиллар ўз таъсирини ўтказади. Булардан биринчиси космик фактор, яъни



Жадвал
Экиш муддатлари ва меъёрларининг соя навларининг дон ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2020-2022 йилларда ўртача)

Вар №	Соя навлари	Экиш муддатлари	Экиш меъёри кг/га, минг дона	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Уч йилда ўртача дон ҳосилдорлиги	Кўшимча дон ҳосили	
								экиш муддатидан	экиш меъёридан
1		25.04-	45 (280)	28,4	30,6	26,8	28,6	1,7	-
2		30.04	60 (375)	31,3	33,4	29,0	31,2	3,7	2,6
3			75 (465)	29,1	31,7	28,3	29,7	2,0	1,1
4	Мадад	05.05-	45 (280)	27,5	29,8	25,3	27,5	1,0	-
5		10.05	60 (375)	30,7	31,6	27,6	29,9	2,4	2,4
6			75 (465)	29,6	30,5	28,2	29,4	1,7	1,9
7	15.05-	20.05	45 (280)	26,9	28,9	23,7	26,5	-	-
8			60 (375)	27,8	29,2	25,6	27,5	-	1,0
9			75 (465)	27,6	30,0	25,7	27,7	-	1,2
10		25.04-	45 (300)	26,7	28,1	24,1	26,3	1,4	-
11		30.04	60 (400)	28,1	30,4	26,8	28,4	2,4	2,1
12			75 (500)	27,8	29,2	26,6	27,8	1,5	1,5
13	Севинч	05.05-	45 (300)	27,3	28,8	25,1	27,0	2,1	-
14		10.05	60 (400)	29,4	31,8	27,5	29,5	3,5	2,5
15			75 (500)	28,7	30,0	26,8	28,3	2,0	1,3
16	15.05-	20.05	45 (300)	25,4	26,6	22,8	24,9	-	-
17			60 (400)	26,9	27,4	23,6	26,8	-	1,1
18			75 (500)	27,1	27,7	24,2	26,3	-	1,4

Мадад
 $HCP_{0,5} = 0,42$ ц
 $HCP_{0,5}(A) = 0,89$ ц
 $HCP_{0,5}(A) = 0,42$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,25$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,51$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц

Севинч
 $HCP_{0,5} = 0,47$ ц
 $HCP_{0,5}(A) = 0,61$ ц
 $HCP_{0,5}(A) = 0,61$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц
 $HCP_{0,5}(B) = 0,28$ ц



ёруғлик ва иссиқлик, иккинчиси ер фактори, яъни сув, маъдан ўғитлар, ҳаво, учинчи фактор эса агротехник фактор ҳисобланиб, бунга тупроқ унумдорлиги, қатор ораларига ишлов бериш, уруғлик сифати, экиш муддати, экиш меъёри ва бошқа агротехник тадбирлар қиради.

Ўсимликни ўсиши ва ривожланишига бевосита таъсир қилувчи асосий факторлардан, космик фактор-ёруғлик ва иссиқликни инсон бошқара олмайди. Аммо, қолган факторлар, яъни ер ва агротехник факторлар, барчаси

инсон томонидан бошқарилиб, келгусида ўсимликлардан олинадиган ҳосил миқдорини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар шарҳи. Дунё аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда дуккакли-дон экинларини аҳамияти юқори эканлигини ҳисобга олиб, бугунги кунда дуккакли-дон экинлари ер юзида 135 млн гектар майдонга экилмоқда, шундан асосий экин сифатида дуккакли-дон экинлари 91,6 млн. гектар майдонга экилиб, ўртача дон ҳосилдорлиги 12,0 ц/га, ялпи ҳосил 206,4 млн тоннани ташкил этади [3].

Дунёда соя 2022 йилда 118,14 млн. га майдонга экилиб, 317,25 млн. тонна соя дони йиғиб олинган. Энг юқори ҳосил АҚШ фермерларига тегишли бўлиб, ўртача 3,21 т/га. дан хирмон кўтарилган бўлса, энг кам ҳосил Ҳиндистонда етиштирилиб, ўртача 0,9 т/га. дан ҳосил олинган. Дунё бўйича ишлаб чиқарилган соя дони 2017/2018 йилда 146 млн. тонна бўлиб, олдинги йилга қараганда 5 млн. тоннага кўпайган. АҚШда соя майдонлари янада кенгайтирилмоқда, чунки фермерлар маккажўхориға қараганда соядан кўпроқ даромад олишган [2, 4].

Республикаимизнинг барча ишлаб-чиқариш тизимларида, бозор иқтисодиёти шароитида соя дониға талаб янада ортиб бормоқда. Маҳаллий ва хорижий соя навлари ҳамда мош экинига кейинги йилларда ҳам асосий, ҳам тақрорий экин сифатида алоҳида аҳамият берилмоқда. Таъкидлаш керакки, республикаимизда ҳам ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва етиштиришға алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, 2017 йилда республикада биринчи марта 12 минг гектардан ортиқ майдонга соя экилиб, 14 минг тонна соя дони етиштирилди ва ушбу хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига аҳолиға 2 минг тоннадан ортиқ соя ёғи, паррандачилик корхоналарига 10 минг тонна юқори озуқали соя шроти етказиб берилди [1].

Тадқиқот услуби. Мазкур тадқиқот 2020-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида жойлашган Шоличилик илмий тадқиқот институтининг тажриба далаларида, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлари шароитида ўтказилди. Тажриба 18 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², ҳисобга олинадиган майдон 120 м² ни ташкил этди. Тажриба бир ярусда, уч тақрорлашда олиб борилди. Битта тақрорлашнинг майдони 4320 м², умумий майдони 1,30 гектарни ташкил этди.

Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари «Методика агрофизических исследований» қўлланмаси асосида, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорни умумий миқдорлари П.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий миқдори П.В.Протасов усуллари билан аниқланди. Дала тажрибаси натижаларининг математик таҳлили Б.А. Доспехов бўйича, ўсимликлардаги фенологик кузатишлар эса «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланма»си асосида ўтказилди.

Тадқиқот натижалари. Ушбу тадқиқот ишида ҳам асосий агротехник факторлардан экиш муддат ва меъёрларининг сояни “Мадад” ва “Севинч” навларининг дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилди. Тажриба ўтказилган йиллар давомида экиш муддат ва меъёрларини соянинг “Мадад” ва “Севинч” навлари ҳосилдорлигига бевосита таъсир этганлиги аниқланди.

Соянинг “Мадад” навини ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларға кўра, тажрибада энг юқори ҳосилдорлик тажрибанинг 2-вариантида, яъни соя эрта экиш муддатида (25.04-30.04) гектарига 60 кг экилган вариантда аниқланиб, дон ҳосилдорлиги ўртача уч йилда 31,2 ц/гани ташкил этди. Тажрибанинг эрта муддатида гектарига 45 кг экилган 1-вариантида ҳосилдорлик 28,6 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 3-вариантида эса 29,7 ц/га бўлганлиги аниқланди.

Ўрта муддатда (05.05-10-05) экилган вариантларда дон ҳосилдорлиги эрта муддатда экилган вариантлар дон ҳосилдорлигидан биров пастроқ бўлганлиги аниқланди. Олинган



маълумотларга кўра, шу экиш муддатида гектарига 45 кг экилган 4-вариантда дон ҳосилдорлиги ўртача 27,5 ц/гани, гектарига 60 кг экилган 5-вариантда 29,9 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 6-вариантда эса ҳосилдорлик 29,4 ц/гани ташкил этди.

Соя кечки муддатда (15.05-20.05) экилган вариантларда мазкур навнинг дон ҳосилдорлиги қолган вариантлар ҳосилдорлигидан сезиларли равишда кам бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, соя кечки муддатда гектарига 45 кг меъёрда экилган 7-вариантда дон ҳосилдорлиги 26,5 ц/гани, гектарига 60 кг экилган 8-вариантда 27,5 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 9-вариантда эса 27,7 ц/гани ташкил қилганлиги кузатилди.

Мазкур навда энг кам дон ҳосилдорлиги тажрибанинг соя кечки муддатда (15.05-20.05) гектарига 45 кг экилган 7-вариантда кузатилиб, ушбу кўрсаткич ўртача 26,5 ц/гани ташкил этди.

Мазкур нав бўйича энг юқори қўшимча дон ҳосили соя кечки муддатда (15.05-20.05) гектарига 60 кг экилган вариантга нисбатан экишнинг эрта муддатида (25.04-30.04) гектарига 60 кг экилган 2-вариантдан олинди, 3,7 ц/гани ташкил этди. Худди шу меъёрда гектарига 75 кг экилган 3-вариантда эса 2,0 ц/гани, гектарига 45 кг экилган 1-вариантда 1,7 ц/га бўлганлиги аниқланди. Ўрта муддатда экилганга нисбатан эса экиш меъёрлари бўйича тегишли равишда 1,1; 1,3 ва 0,3 ц/га бўлганлиги кузатилди.

Ушбу нав ўрта муддатда (05.05-10.05) гектарига 45 кг меъёрда экилганда қўшимча дон ҳосили кечки муддатда экилган вариантга нисбатан 1,0 ц/гани, гектарига 60 кг экилган вариантда 2,4 ц/гани, гектарига 75 кг экилган вариантда эса 1,7 ц/гани ташкил этди.

Экиш меъёрлари бўйича олинган натижалар таҳлил этилганда, соя эрта муддатда гектарига 60 кг экилганда гектарига 45 кг меъёрда экилганга нисбатан 2,6 ц/га, гектарига 75 кг экилганга нисбатан эса 1,1 ц/га миқдорида қўшимча ҳосил олинди. Ушбу кўрсаткичлар ўрта муддатда экилган вариантларда тегишли равишда 2,4; 1,9 ц/гани, кечки муддатда экилган вариантларда эса 1,0; 1,2 ц/гани ташкил этди.

Соянинг “Севинч” навини дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлар таҳлил этилганда, ушбу нав бўйича энг юқори дон ҳосилдорлиги уни 05.05-10.05 муддатида, гектарига 60 кг экилган вариантда аниқланиб, дон ҳосилдорлиги ўртача уч йилда 29,5 ц/гани ташкил этди. Тажрибанинг шу муддатида гектарига 45 кг экилган 13-вариантда ҳосилдорлик 27,0 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 15-вариантда эса 28,3 ц/га бўлганлиги аниқланди.

Эрта муддатда (25.04-30.04) экилган вариантларда дон ҳосилдорлиги ўрта муддатда экилган вариантлар дон ҳосилдорлигидан биров пастроқ бўлганлиги аниқланди. Олинган маълумотларга кўра, шу экиш муддатида гектарига 45 кг экилган 10-вариантда дон ҳосилдорлиги ўртача 26,3 ц/гани, гектарига 60 кг экилган 11-вариантда 28,4 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 12-вариантда эса ҳосилдорлик 27,8 ц/гани ташкил этди.

Мазкур нав кечки муддатда (15.05-20.05) экилган вариантлардан олинган маълумотларга кўра, соя кечки муддатда гектарига 45 кг меъёрда экилган 16-вариантда дон ҳосилдорлиги 24,9 ц/гани, гектарига 60 кг экилган 17-вариантда 26,0 ц/гани, гектарига 75 кг экилган 18-вариантда эса 26,3 ц/гани ташкил қилганлиги кузатилди.

Ушбу навда энг кам дон ҳосилдорлиги тажрибанинг кечки муддатда (15.05-20.05) гектарига 45 кг экилган 16-вариантда кузатилиб, ушбу кўрсаткич ўртача 24,9 ц/гани ташкил этди.

Мазкур навда олинган қўшимча ҳосил маълумотлари экиш муддати бўйича таҳлил қилинганда энг юқори қўшимча дон ҳосили соя кечки муддатда (15.05-20.05) гектарига 60 кг экилган вариантга нисбатан экишнинг ўрта муддатида (05.05-10.05) гектарига 60 кг экилган 14-вариантдан олинди, 3,5 ц/гани ташкил этди. Худди шу меъёрда гектарига 75 кг экилган 15-вариантда эса 2,0 ц/гани, гектарига 45 кг экилган 13-вариантда 2,1 ц/га бўлганлиги аниқланди. Эрта муддатда экилганга нисбатан эса экиш меъёрлари бўйича тегишли равишда 0,7; 1,1 ва 0,5 ц/га бўлганлиги кузатилди.

Ушбу нав эрта муддатда (05.05-10.05) гектарига 45 кг меъёрда экилганда қўшимча дон ҳосили кечки муддатда экилган вариантга нисбатан 0,4 ц/гани, гектарига 60 кг экилган вариантда 2,4 ц/гани, гектарига 75 кг экилган вариантда эса 1,5 ц/гани ташкил этди.

Экиш меъёрлари бўйича олинган натижалар таҳлил этилганда, соя ўрта муддатда гектарига 60 кг экилганда гектарига 45 кг меъёрда экилганга нисбатан 2,5 ц/га, гектарига 75 кг экилганга нисбатан эса 1,3 ц/га миқдорида қўшимча ҳосил олинди. Ушбу кўрсаткичлар



эрта муддатда экилган вариантларда тегишли равишда 2,1; 1,5 ц/гани, кечки муддатда экилган вариантларда эса 1,1; 1,4 ц/гани ташкил этди.

Хулоса. “Мадад” навини дон ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, ушбу нав эрта, 25.04-30.04 муддатда гектарига 60 кг экилганда олиниб, 31,2 ц/гани ташкил этди. Бу кўрсаткич ўрта муддат (05.05-10.05)да экилганга нисбатан 1,3 ц/га, кечки муддат (15.05-20.05)да экилганга нисбатан эса 3,7 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлади.

“Севинч” навини дон ҳосилдорлиги бўйича олинган натижалардан келиб чиқиб хулоса қилинганда энг юқори дон ҳосилдорлиги уни 05.05-10.05 муддатда, гектарига 60 кг экилганда олиниб, 29,5 ц/гани ташкил этди. Бу кўрсаткич эрта муддат (25.04-30.04)да экилганга нисбатан 1,1 ц/га, кечки муддат (15.05-20.05)да экилганга нисбатан эса 3,5 ц/га қўшимча дон ҳосили олишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Абдуазимов А.М., Мирзаев Н.Ф. Қашқадарё вилоятида азотли ўғитларни қўллашнинг соя навларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири. // Ўзбекистон республикасида бошоқли дон, ноанъанавий ва мойли ҳамда озуқа экинларини инновацион технологиялар асосида етиштириш истиқболлари. Республика илмий амалий конференция мақолалар тўплами. Қарши, 26 май, 2020. 163-165 б.

2. Ёрматова Д.Ё. Ўсимликшунослик. – Тошкент:, 2017. -221 б.

3. Кобозева Т.П. Создание soi северного экотипаи интродукция её Незернозёмных зону России. Монография. –М.: МГАУ. 2017.107 с

4. Халиков Б.М., Нурматов Ш. Тупроқ унумдорлигини ошириш-бош вазифа. Атроф мухит ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари. Халқаро ер қунига бағишланган Республика илмий амалий семинар. Тошкент, 2016 йил, 25-28 б.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 23-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.07.2023

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000